

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҶАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОЧИЛДИЕВ МУХИДДИН БАҲОДИР ЎҒЛИ

**ИРСИЙ ОФТАЛЬМОПАТОЛОГИЯ АЙРИМ ТУРЛАРИНИНГ
КЛИНИК-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРДА ТИББИЙ-
ПРОФИЛАКТИК ЁРДАМНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Очилдиев Мухиддин Баходир ўғли

Ирсий офтальмопатология айрим турларининг клиник-генетик

хусусиятлари ва уларда тиббий-профилактик ёрдамни

оптималлаштириш..... 3

Очилдиев Мухиддин Баходир угли

Клинико-генетические особенности некоторых типов

наследственной офтальмопатии и оптимизация медико-

профилактической помощи..... 23

Ochil迪ев Mukhiddin Bakhodir ugli

Clinical and genetic features of some types of hereditary

ophthalmopathy and optimization of medical and

preventive care 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОЧИЛДИЕВ МУҲИДДИН БАҲОДИР ЎГЛИ

**ИРСИЙ ОФТАЛЬМОПАТОЛОГИЯ АЙРИМ ТУРЛАРИНИНГ
КЛИНИК-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРДА ТИББИЙ-
ПРОФИЛАКТИК ЁРДАМНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.2.PhD/Tib2720 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.eyecenter.uz), «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) ва Узбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида (www.uga.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нарзикулова Кумри Исламовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Туйчибаева Дилобар Мираталиевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Малышев Алексей Владиславович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт институти
(Тожикистон Республикаси).

Диссертация химояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил «_____»
соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-йй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-йй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Т.Насретдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра ҳозирги вақтда бутун дунё бўйлаб кўр ва заиф кўрадиганлар сонининг камайиб боришига қарамасдан кўз касалликларининг умумий сонининг 30% улушкини ирсий патологиялар ташкил этади. Қатор олимлар томонидан олинган натижалар асосида «...кўп ҳолларда кўрлик ва заиф кўриш туғма ва ирсий патологиянинг натижаси бўлиб, 19-50 ёшлар ўртасидаги беморларнинг 55% да касаллик болалик даврида аниқланади...»¹. Бундай ирсий касалликларни ўз вактида аниқлаш ва уларга етарлича даво чораларини олдиндан режалаштириш офтальмологиянинг долзарб вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида кўплаб наслий касалликлар бўлишига қарамай, ирсий офтальмопатология билан касалланган беморларда кўриш функцияси пастлиги уларни яшаш тарзига, хаёт сифатига ва ижтимоий ўрнини топиш каби муҳим хаётий омилларга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда оғир юқумли ва бошқа экзоген кўз касалликларининг сони камайиши ва молекуляр генетиканинг жадал ривожланиши натижасида илгари маълум бўлган ирсий ва ирсий бўлмаган патологияларнинг ривожланиши учун масъул бўлган янги генлар кашф қилиниши туфайли бу улуш ортиб бормоқда. Бу борада профилактика ва тиббий-генетик маслаҳат бемор болалар туғилишининг олдини олишга қаратилган усуллардан бири сифатида алоҳида ўрин тутади.

Мамлакатимизда ирсий офтальмопатологияларни клиник ва молекуляр генетик ўрганишда эришилган ютуқларга қарамай, баъзи ирсий кўз касалликларининг дастлабки енгил шаклларининг янада оғирроқ шаклларига ўтиши сабаблари тўғрисида хulosага келиш қийинлигича қолмоқда. Шунга қарамай жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берувчи қатор профилактик тадбирларни амалга ошириш «...исботловчи тиббиётга асосланган, халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилган миллий клиник стандартларни ишлаб чиқиши, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш орқали тиббий ёрдам сифати, самарадорлиги ва қулайлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, касалликларнинг олдини олиш, тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларининг мақбул кетма-кетлиги ва изчиллигини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш...»² каби вазифалари белгиланган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга

¹ Liu W, Liu S, Li P, Yao K. Retinitis Pigmentosa: Progress in Molecular Pathology and Biotherapeutic Strategies. Int J Mol Sci. 2022 Apr 28;23(9):4883. doi: 10.3390/ijms23094883. PMID: 35563274; PMCID: PMC9101511.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси ахолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни қучайтириш тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ирсий ва түфма кўз касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволаш муаммоси тиббий ва ижтимоий муносабатларда ҳам долзарб бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Кўриш органининг генетик жиҳатдан аниқланган патологияси, ҳатто ўз вақтида аниқланган ва етарли даражада даволанган бўлса ҳам кўриш қобилиятининг пасайиши ҳамда эрта кўрликка олиб келади ва натижада беморларнинг ижтимоий мослашувида қийинчиликлар пайдо бўлади (Arno G., Hull S. 2017).

Ирсий ретинал дистрофияларнинг ривожланишини белгиловчи генларнинг кашф этилиши касалликларнинг патогенезини тушунишни кенгайтиришга ва ўз навбатида олдини олиш ва даволаш, шу жумладан, ген терапияси ва баъзи фармакотерапевтик даволаш усуллар учун имкониятлар очди (Кребс, 2010). Сўнгги ўн йиллиқда кўзнинг нейросенсор ва нейроўтказувчан аппаратларининг морфофункционал хусусиятларини миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳолашни таъминлайдиган янги технологиялар ишлаб чиқилди ва офтальмологик амалиётга жорий этилди. Компьютер периметриясининг замонавий техникасини комплекс қўллаш, электроретинографиянинг турли хил модификациялари функционал тадқиқот усулларининг имкониятларини оширади (Золникова И.В., 2015). Спектрал оптик когерент томография (ОКТ)нинг амалиётга яқинда киритилиши юқори аниқлик даражасига эга бўлган кўз тўр пардасининг қатламларини батафсил ўрганиш, фоторецепторларнинг дастлабки дезорганизациясидан тортиб то тўлиқ бўлган шикастланиш даражасини ҳамда макула соҳасида бу қатламнинг йўқолиши ва асосий пигмент эпителийсининг атрофиясини аниқлаш имконини беради (Аветисов С.Э., 2007; Теста Ф., 2017).

Шунга қарамай айрим наслий турдаги кўз касалликларининг генетик аспектини ўрганиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар етарлича

эмаслиги, ушбу мавзунинг долзарбилигини англатади. Сабаби тўр парданинг наслий дегенерациялари гетероген касалликлар катта гуруҳининг яққол ажралиб турувчи турига мансуб бўлиб, бугунги кунда давосиз кўрлика олиб келади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг 011.800-230-сонли илмий-тадқиқот ишлари режасига асосан “Айрим турдаги кўз касалликларининг ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш ҳамда янги дори воситаларини ишлаб чиқиш ва офтальмологик амалиётга тадбиқ қилиш” (2019-2023 йй.) мавзусида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади: ирсий офтальмопатологияларнинг баъзи турларида, касалликнинг тарқалиши ва клиник - генетик хусусиятларини ўрганиш орқали диагностика ва тиббий-профилактика ёрдами даражасини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сурхондарё вилоятида кўз касалликларининг умумий тузилишида айрим ирсий офтальмопатологияларнинг тарқалишини ўрганиш;

ирсий офтальмопатологияларда кўрув аъзосининг клиник - функционал кўрсаткичларини пигментли ретинит билан касалланган беморларда касаллик босқичига қараб баҳолаш;

генеалогик ва молекуляр - генетик тадқиқот усуллари ёрдамида пигментли ретинит касаллиги бўлган беморларнинг ABCA4 генидаги генетик кўрсаткичларини ўрганиш;

худуд аҳолисига тиббий-генетик ва тиббий-профилактик ёрдамини оптималлаштириш мақсадида пигментли ретинит билан касалланган беморларни эрта ташхислаш ва мониторингини олиб бориш мақсадида электрон маълумотлар базасини яратиш ва касалликни башоратлаш тамойилларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз филиалида 2022 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда пигментли ретинит билан стационар ва амбулатор назоратида турган 120 нафар бемор (240 та кўз) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ирсий офтальмопатология айрим турларидан пигментли ретинит билан касалланган беморларнинг клиник ва функционал кўрсаткичлари маҳсус офтальмологик текширувлар, қонда ядро тутувчи шаклли элементларнинг генларини секвенерлаш усулида текшириш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ирсий кўз касалликларини комплекс баҳолашда офтальмологик, генетик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуидагилардан иборат:

Ўтказилган скрининг текшируви натижаларига асосан, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар туфайли юзага келадиган энг кўп учрайдиган ирсий офтальмопатологиялар аниқланиб, улар орасида пигментли ретинит етакчи ўринни эгаллаши исботланган;

ирсий офтальмопатологияларнинг генеалогик тадқиқотлар натижалари асосида яқин қариндошлар орасидаги ниқоҳ туфайли юзага келган клиник полиморфизмини ўрганиш орқали энг кенг тарқалган ирсий офтальмопатологиялар: пигментли ретинит, Штаргардт касаллиги, Ушер синдроми ва таёқча ва колбачалар дистрофияси эканлиги ва улар орасида пигментли ретинит етакчи ўринни эгаллаши аниқланган;

пигментли ретинит мисолида молекуляр генетик тадқиқотларни қўллаш орқали ABCA4 генидаги мутациялар тарқалганлик даражаси: 28-инtronдаги IVS28 299C>T 77,27%, IVS28-del334G ва IVS28-337A>G сплайсинг мутациялар 81.82% беморда кузатилиши аниқланган; олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида ирсий офтальмопатологияли беморларнинг маълумотлар базаси яратилиб, кўриш аъзосидаги клиник - функционал ўзгаришлар ва генетик тадқиқот усулларини ҳисобга олган ҳолда пигментли ретинитни аниқлаш, унинг кечиши ва ривожланишини башоратлаш тамойиллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуидагилардан иборат:

ирсий офтальмопатологияси бўлган беморларга маслаҳат бериш ва керакли тиббий-профилактик ишларини олиб бориш мақсадида, Сурхондарё вилояти аҳолиси ўртасида кўрув аъзоларининг ирсий касалликларига мойиллиги бўлган оиласаларни ўз вақтида аниқлаш, аниқланган беморларда касалликнинг намоён бўлиши вақти, эрта клиник белгилари, субклиник шакллари ва кечиши бўйича маълумотлар клиник амалиётга тадбиқ этилган;

пигментли ретинит ташҳисни тасдиқлаш мақсадида беморларда молекуляр-генетик усулини қўллаш орқали ABCA4 генидаги мутацияларнинг тарқалишини аниқлаш усули тадбиқ этилган;

ирсий офтальмопатология билан оғриган беморларни аниқлаш, мониторинг қилиш ва республика даволаш-профилактика муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу беморларнинг маълумотлар базаси тадбиқ этилган ва пигментли ретинитни ташҳислаш, кечиши ва ривожланиши бўйича башоратлаш тамойиллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги етарли тадқиқот материали, тадқиқот усулларини асослаш, назарий ва амалий даражадаги тадқиқотлар ўтказиш, олинган натижаларни сифат ва миқдорий баҳолаш, олинган тадқиқот параметрларининг статистик ишончлилиги, ирсий офтальмопатологияларни эрта ташҳислаш ва олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган усулларни кенг жорий этиш, шунингдек, олинган натижаларни

халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, пигментли ретинитнинг диагностикаси ва кечишининг клиник - функционал хусусиятларини ўрганиш асосида, беморларни аниқлаш, мониторинг қилиш ва касалликнинг оғир кечишини олдини олиш имконини берувчи маълумотлар базаси яратилган ва прогнозлаш тамойиллари ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, республика офтальмологиясининг истиқболли йўналиши ҳисобланган замонавий умумий ва маҳсус офтальмологик, шунингдек генетик усуллар ёрдамида пигментли ретинитнинг турли босқичларида кўрув аъзоларидағи ўзгаришларни ўрганиш, диагностика даражасини ошириш, касалликнинг ривожланиш вақтини қисқартириш, иқтисодий харажатларни камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.

Ирсий офтальмопатология айрим турларида тиббий - профилактик ёрдамни оптималлаштириш бўйича олинган натижалар асосида (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26.11.2024 йилдаги 09/01-сон Хулосаси):

биринчи илмий янгилик: ўтказилган скрининг текшируви натижаларига асосан, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар туфайли юзага келадиган энг кўп учрайдиган ирсий офтальмопатологиялар аниқланиб, улар орасида пигментли ретинит етакчи ўринни эгаллаши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ҳудуддаги эпидемиологик вазиятни тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг мақсадли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини асослайди, улар орасида қариндошлар ўртасидаги никоҳлар хавфи тўғрисида оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш, ирсий офтальмопатологияларни эрта аниқлаш учун мавжуд тиббий - генетик маслаҳат ва скрининг дастурларини ташкил этиш касалликни эрта аниқлашга имкон беради. Ушбу маълумотлар «Пигментли ретинитли беморларни тўр пардасининг структуравий ўзгаришларини баҳолашда ОКТдан фойдаланиш» (ТТА Термиз филиали мувофиқлаштирувчи-эксперт Кенгаши томонидан тасдиқланган, 02.07.2024 йилдаги 80/24-сонли буйруғи) деб номланган методик тавсиялар таркибига киритилган. Илмий янгиликнинг жорий этилиши: олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Республика клиник офтальмология шифохонаси (12.06.2024 йилдаги 31-П-сонли буйруғи) ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий маркази

Сирдарё филиали (2024 йил 16 июлдаги 01-1-18/1-сон буйруғи) фаолиятига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат: хавф омилларини, шу жумладан яқин қариндошлар орасидаги никоҳларни аниқлаш ва профилактика чораларини белгилаш ирсий касалликлар билан боғлиқ бўлган кўриш қобилиятининг бузилиш даражасини пасайтиради ва ирсий офтальмопатологияларни эрта ташхислаш касалликнинг ривожланишини ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга олиб келади, бу эса кўрув вазифаларининг барқарорлигини сақлашга ва беморларнинг кўриш сифатини яхшилаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагилардан иборат: эрта аниқланган ирсий офтальмопатологияси бўлган беморларга, қасалликни ривожланишини олдини олиш мақсадида, йилига камида икки маротаба стационар даволаниш тавсия этилди. Ҳар бир бемор стационар даволаниш натижасида тўқиз стационар қун давомида кунига ўртacha 128 минг сўм сарфлаган бўлса, бир курс даволаш учун 1152000 сўм, икки марта даволаниш учун 2304000 сўм сарфлаган. Стационар даволаниш қимматбаҳо, аммо қўшимча харажатларни оқлайди, чунки у касалликнинг ривожланишини олдини олади ва кўрув аъзоларининг клиник - функционал кўрсаткичларини барқарорлаштиришга ёрдам берди. Хулоса: тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ирсий офтальмопатологияларни ўз вақтида аниқлаш аҳоли саломатлиги ва ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни камайтириш имконини беради.

Иккинчи илмий янгилик: ирсий офтальмопатологияларнинг генеалогик тадқиқотлар натижалари асосида яқин қариндошлар орасидаги ниқоҳ туфайли юзага келган клиник полиморфизмини ўрганиш орқали энг кенг тарқалган ирсий офтальмопатологиялар: пигментли ретинит, Штаргардт касаллиги, Ушер синдроми ва таёқча ва колбачалар дистрофияси эканлиги ва улар орасида пигментли ретинит етакчи ўринни эгаллаши аниқланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: генеалогик тадқиқотлар оиласларда турли хил офтальмопатологияларни бир неча авлодлар давомида кузатиш имконини беради, бу нафақат энг кенг тарқалган касалликларни, балки популясияда мавжуд бўлган ирсий кўз касалликларининг бутун спектрини, шу жумладан кам учрайдиган шаклларини аниқлаш имконини беради. Ушбу натижалар «Пигментли ретинитнинг диагностикаси, башоратлаш ва генетик тахлили» номли услугий тавсияларга киритилган (ТТА Термиз филиали мувофиқлаштирувчи-эксперт Кенгаши томонидан тасдиқланган, 02.07.2024 йилдаги 80/24-сонли буйруғи). Илмий янгиликнинг жорий этилиши: олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Республика клиник офтальмология шифохонаси (12.06.2024 йилдаги 31-П-сонли буйруғи) ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий маркази

Сирдарё филиали (2024 йил 16 июлдаги 01-1-18/1-сон буйруғи) фаолиятига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуидагилардан иборат: генеалогик тадқиқотлар оиласларда турли хил офтальмопатологияларни бир неча авлодлар давомида кузатиш имконини беради, бу нафақат энг кенг тарқалган касалликларни, балки популясияда мавжуд бўлган ирсий кўз касалликларининг бутун спектрини, шу жумладан кам учрайдиган шаклларини аниқлаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: генеалогик-шажара тахлили асосида 62.5% беморларда касаллик аутосома-ресесив типда ирсийланиши, 22.5% беморларда эса пигментли ретинит спорадик холатда кузатилиши, касаликнинг аутосома-ресесив ирсийланиши асосий механизм эканлигини қўрсатади ва яқин қариндошлар ўртасида тузилган оиласларда ушбу тахлилни ўтказиш, касаллик эрта босқичларда аниқлаш самарадорлигини оширади. Агар ирсий офтальмопатологиялар эрта аниқланмаса, қўрувни йўқотиши натижасида ногиронлик юзага келади, бунда бир нафар бемор учун давлат томонидан йиллик ижтимоий нафақа харажатлари ўртача 11млн. 40000 сум ташкил этади. Стационар даволаш эса йиллик 2,3 миллион сўмни ташкил этиб, узоқ муддатда ҳар бир бемор учун давлат харажатларини камида 5-6 баробар камайтиради. Хулоса: ушбу услугий тавсия оила шажарасини генетик скрининг ва таҳлил қилиш, шунингдек, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар хавфи ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш, ирсий касалликлар ривожланишининг олдини олиш бўйича профилактика чоратадбирларини кучайтириш зарурлигини қўрсатади.

учинчи илмий янгилик: пигментли ретинит мисолида молекуляр генетик тадқиқотларни қўллаш орқали ABCA4 генидаги мутациялар тарқалганлик даражаси: 28-инtronдаги IVS28 299C>T 77,27%, IVS28-del334G ва IVS28-337A>G сплайсинг мутациялар 81.82% беморда кузатилиши аниқланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: мутациялар тарқалганлик даражасини аниқлаш ирсий офтальмопатологияларнинг, шу жумладан пигментли ретинитнинг генетик сабабларини чуқурроқ тушуниш имконини берди ва ушбу тадқиқот натижалари асосида мутациялар даражасини ҳисобга олган ҳолда касалликни ташхислаш ва профилактика қилиш самарадорлиги оширди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Республика клиник офтальмология шифохонаси (12.06.2024 йилдаги 31-П-сонли буйруғи) ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий маркази Сирдарё филиали (2024 йил 16 июлдаги 01-1-18/1-сон буйруғи) фаолиятига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: генетик тадқиқот натижалари ирсий офтальмопатологиялар билан касалланиш хавфи юқори бўлган беморлар ва уларнинг оила аъзоларида ўз вақтида диагностика ўтказиш ва ушбу

касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва ривожланишини олдини олиш имкониятини берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: молекуляр-генетик диагностикаси ёрдамида ABCA4 генидаги мутацияларни аниқлаш касалликни эрта босқичларида ташхислаш мақсадида фойдаланиш қўшимча харажатларни оқлайди. Ушбу беморларга бир йил давомида камида икки маротаба стационар даволаниш тавсия этилганлигини ва кунига ўртacha 128 минг сўмни ташкил этишини инобатга олган ҳолда, ҳар бир бемор стационар даволаниш натижасида тўққиз кун учун 1152000 сўм, икки марта даволаниш учун эса 2304000 сўм сарфлайди. Касалликни эрта аниқлашда молекуляр-генетик диагностика усулини қўллаш ушбу харажатларни тежалишига олиб келади. Хулоса: ушбу тадқиқот натижалари пигментли ретинит ва бошқа ирсий офтальмопатологияларнинг диагностикаси, мониторинги ва профилактикасини яхшилашга ва мутациялар тарқалиш даражасини аниқлаш асосида замонавий генетик технологияларни соғлиқни сақлаш тизими амалиётига татбиқ этиш имконини яратди.

тўртинчи илмий янгилик: олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида ирсий офтальмопатологияли беморларнинг маълумотлар базаси яратилиб, кўриш аъзосидаги клиник - функционал ўзгаришлар ва генетик тадқиқот усулларини ҳисобга олган ҳолда пигментли ретинитни аниқлаш, унинг кечиши ва ривожланишини башоратлаш тамойиллари ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: яратилган маълумотлар базаси ва ишлаб чиқилган башоратлаш тамойиллари ёрдамида хавф гурухларини аниқлаш, пигментли ретинитининг давомийлиги ва ривожланишини систематик равища кузатиш, ҳамда зарурий тиббий-генетик ва тиббий-профилактик тадбирларни амалга ошириш, касалликнинг ривожланишини секинлашишига имкони берди. Ушбу маълумотлар «Пигментли ретинитли беморларни тўр пардасининг структуравий ўзгаришларини баҳолашда ОКТдан фойдаланиш» (ТТА Термиз филиали мувофиқлаштирувчи-эксперт Кенгаши томонидан тасдиқланган, 02.07.2024 йилдаги 80/24-сонли буйруғи) деб номланган методик тавсиялар таркибига киритилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Республика клиник офтальмология шифохонаси (12.06.2024 йилдаги 31-П-сонли буйруғи) ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий маркази Сирдарё филиали (2024 йил 16 июлдаги 01-1-18/1-сон буйруғи) фаолиятига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: яратилган маълумотлар базаси ва пигментли ретинитини башоратлаш ёрдамида шифокорларга ҳар бир бемор ҳақида тўлиқ ва систематик маълумотларга эга бўлиш имконини бериши, аниқ ташхислаш жараёнини, беморларни бошқаришнинг оптимал тактиқисини танлаш ва

касалликнинг ривожланишини секинлаштириш ҳамда кўриш функцияларини сақлаб қолишга имкон берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: электрон маълумотлар базаси ва ишлаб чиқилган башоратлаш тамойилларини қўллаш орқали, касалликнинг 1- ва 2-босқичларидан 3- ва 4- босқичларига ўтишини 1,2 марта гамайишига олиб келди, бу эса bemорларни ташхислаш ва тиббий-профилактик ёрдамни олиб бориш самарадорлигини ошишига имкон берди. Хулоса: Пигментли ретинит билан касалланган bemорларнинг маълумотлар базасини яратиш, клиник-функционал ва генетик кўрсаткичларнинг комплекс таҳлили асосида пигментли ретинитни башоратлашни ишлаб чиқиш, касалликни эрта аниқлаш, мониторингини олиб бориш ва аҳоли орасида тиббий-генетик ва тиббий-профилактик ёрдам сифатини оширишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмидә диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг аprobацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ирсий кўз касалликларининг адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида ирсий офтальмопатологияларни эрта ташхислашнинг замонавий концепцияси бўйича долзарб маълумотлар баён этилган, уларнинг этиологиясини, диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини аниқлашга қаратилган тадқиқотларга бағищланган адабий манбаларнинг таҳлили акс этирилган. Бу йўналишдаги асосий, тўлиқ ҳал этилмаган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Боб охирида таҳлил қилинган материал умумлаштирилиб, хуласа берилган.

Диссертациянинг **«Ирсий кўз касалликларини ташхислашда материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилган bemорларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган услублар баён этилган.

Илмий иш Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз филиали ва Тошкент тиббиёт академияси молекуляр генетика ва цитогенетика лаборатория бўлими билан ҳамкорликда 2022-2024 йиллар давомида икки босқичда бажарилди. Тадқиқотнинг I босқичи ретроспектив усулда Республика кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз филиалида 2022-2024 йиллар давомида тўр парда наслий касалликлари ташхиси билан мурожаат қилган ва стационар ҳолатда даволанаётган, ТМЭК рўйхатидаги 273 нафар bemор (546 та кўз) ўртасида саралаш ишлари олиб борилилди. Тадқиқотнинг II босқич проспектив усулда ушбу bemорларни стандарт ва маҳсус офтальмологик текширувлар, генеалогик анамнез орқали илмий тадқиқотга киритилган 273 нафар bemордан барча клиник параметрларига кўра деярли идентик бўлган 120 нафари (240 та кўз) жалб этилди. Касалликнинг оғирлик даражасига, клиник ва функционал кўринишларига, шунингдек ўтказилган ташхислаш усулларига кўра bemорлар, бир хил тузилишга эга бўлган уч гурухга бўлинишиди.

Асосий гурухни пигментли ретинит касаллиги аниқланган 120 нафар bemор касаллик босқичларига қараб 3 та гурухчага ажратилди, шулардан:

1-асосий гурухчага 2-босқич (илк клиник белгилар) - кўриш ўткирлиги 0,4-0,5, кўриш майдони марказдан 20-40 даражагача торайган, ЭРГ

амплитудаси кескин пасайган, гемералопияси бор 30 нафар бемор (60 та кўз);

2-асосий гурухчага 3-босқич (манифестация) – кўриш ўткирлиги 0,1-0,3, кўриш майдони 10-20 даражага янада торайган, ЭРГ кўрсаткичлари паст, рангли кўриш бузилган, кўрув нерви атрофияси мавжуд 52 нафар бемор (104 та кўз);

3-асосий гурухчага 4-босқич (кўрув функцияларини кескин пасайиши) – кўриш ўткирлиги 0,1дан паст, кўриш майдони 10 даражадан кам, ЭРГ аниқланмайди, рангли кўриш бузилган, кўрув нерви атрофияси, хориокапилляр қатлам атрофияси мавжуд 38 нафар беморлар (76 та кўз) асосий гурухлар сифатида ажратиб олинди.

Текширув натижаларини ўзаро таққослаш мақсадида **назорат гурухи** сифатида асосий гурухдаги беморлар билан жинси ва ёши аналогик бўлган 20 нафар (40 та кўз) амалий соғломлар тадқиқотга жалб этилди.

Беморларнинг ўртача ёши $42,3 \pm 8,5$ ёшни ташкил этди. Жинсига кўра касалликларда аёллар ва эркаклар нисбати турлича бўлди. Пигментли ретинитда 62 нафарни аёл (51,6%) ва 58 нафарини эркаклар (48,4%) ташкил этди. Барча беморларга қуйида келтирилган стандарт умумофтальмологик, маҳсус офтальмологик, тиббий генетик ва статистик текширувлар ўтказилди.

Маҳсус генетик тахлил учун 2022-2024-йиллар давомида тўр парда наслий касаллиги пигментли ретинитни 2-босқичи билан оғриган 22 нафар беморларнинг периферик қонидаги ядро тутувчи қон ҳужайраларидан олинган 22 та ДНК намунаси Тошкент тиббиёт академиясининг молекуляр генетика ва цитогенетик тадқиқотлар лабораториясида материал сифатида фойдаланилди. Генетик тадқиқотда беморларнинг ўртача ёш кўрсаткичи $26,1 \pm 7,4$ ни ташкил этди.

Диссертациянинг **«Умумофтальмологик ва маҳсус текширувлар натижалари»** деб номланган учинчи бобида комплекс офтальмологик текширув натижалари билан биргаликда касалликтарнинг статистик кўрсаткичлари баҳоланган. Ирсий офтальмопатологиялар ичидаги пигментли ретинит билан умумий касалланиш даражаси 100 000 аҳолига нисбатан 300 тадан 700 тагача учраши кузатилган (2022-2024-йил). Республикаизнинг бошқа вилоятларидан фарқли равишда Сурхондарё вилояти аҳолиси орасида қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар кўп бўлганлиги, улар орасида ирсий офтальмопатологияга эга бўлган асосий гурухни пигментли ретинит билан оғриган беморлар ташкил этганлиги сабабли беморларнинг ушбу гурухида тадқиқотлар ўтказилди (1-жадвал).

Пигментли ретинит билан касалланганларнинг энг кўп сони Жарқўркон ва Музробод туманлари аҳолиси ўртасида қайд этилди, бу эса ушбу худудлардаги имбридингнинг энг юқори даражаси билан боғлиқлиги аниқланди.

1-жадвал

Тўр парданинг наслий абиотрофик касалликлари турига қўра беморларни тақсимланиши (2022-2024 йй.)

Туман ва шаҳарлар кесимида	Жами	Пигментли ретинит		Штатгардт касаллиги		Ушер синдроми		Таёқча ва колбачалар дистрофияси	
		аёл	эрк.	аёл	эрк.	аёл	эрк.	аёл	эрк.
1 Термиз шаҳар	20	3	4	-	2	1	2	3	2
2 Ангор тумани	8	2	1	2	1	0	1	0	1
3 Бандиҳон тумани	5	1	1	1	0	0	0	1	1
4 Бойсун тумани	15	3	3	3	3	0	1	1	1
5 Денов тумани	21	2	5	3	2	0	1	2	6
6 Жарқўргон тумани	30	5	7	3	5	1	2	2	5
7 Қизириқ тумани	24	4	5	4	4	1	2	3	1
8 Қумқўрғон тумани	25	5	6	5	3	0	0	3	3
9 Музробод тумани	28	2	1	1	0	0	0	2	2
10 Олтинсой тумани	11	3	4	1	1	0	1	1	0
11 Сариосиё тумани	21	3	10	5	6	0	2	2	3
12 Термиз тумани	14	6	3	2	1	0	1	1	0
13 Узун тумани	20	4	3	4	4	1	1	0	3
14 Шеробод тумани	18	5	4	5	3	1	0	0	0
15 Шўрчи тумани	13	4	1	2	1	0	1	3	1
		62	58	44	36	5	15	24	29
Жами сони (Σ)	273	120 (43,9%)		80 (29,4%)		20 (7,3%)		53 (19,4)	

2-жадвалда амалий соғлом ва пигментли ретинитнинг тури босқичларидаги bemorларнинг кўриш ўткирлигига оид маълумотлар келтирилган бўлиб, таҳлил натижалари касаллик ривожланиши билан кўришнинг пасайишини баҳолаш ва гуруҳлар ўртасидаги статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни аниқлаш имконини беради.

2 – жадвал

Гуруҳлар ўртасида кўриш ўткирлиги кўрсаткичлари

Пигментли Ретинит	Гуруҳлар	Беморлар сони	Кўриш ўткирлиги ($M\pm\delta$)	
			OD	OS
	Назорат гуруҳи (Амалий соғломлар)	20 нафар bemor (40 та кўз)	0,87±0,12	0,83±0,14
	1-асосий гуруҳча (Илк клиник белгилар босқичи)	30 нафар bemor (60 та кўз)	0,69±0,09	0,70±0,07
	2-асосий гуруҳча (Манифестация босқичи)	52 нафар bemor (104 та кўз)	0,53±0,14*	0,51±0,10*
	3-асосий гуруҳча (Кўрув функцияларининг пасайиши босқичи)	38 нафар bemor (76 такўз)	0,21±0,08** ^o	0,18±0,05** ^o

Изоҳ: * - амалий соғлом одамлардаги кўрсаткичлар билан солишириганда фарқлар статистик аҳамиятга эга ($p < 0,05$); ** - биринчи клиник белгилари бўлган bemorларнинг кўрсаткичлари билан солишириганда статистик аҳамиятга эга ($p < 0,05$); ^o - манифестация босқичидаги bemorларнинг кўрсаткичларига нисбатан статистик аҳамиятга эга ($p < 0,05$).


Пигментли ретинитнинг биринчи клиник белгилари мавжуд bemorлар (30 bemor, 60 кўз) натижалари OD да $0,69 \pm 0,09$ ва OS да $0,70 \pm 0,07$ га

тенглиги аниқланди. Бу гурухда кўриш ўткирлиги назорат гурухига нисбатан OD да 20,7% га ва OS да 15,7% га пастлиги аниқланди. Ушбу фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p<0,05$) бўлиб, 1-асосий гурухчасида ҳам кўриш қобилятининг пасайишини кўрсатади.

2-асосий гурухчадаги беморларда (52 бемор, 104 та кўз) OD да $0,53 \pm 0,14$ ва OS да $0,51 \pm 0,10$ кўрсаткичларига эга бўлди. Назорат гурухидаги беморлар билан солиширганда, бу гурухда кўриш ўткирлиги OD да 39,1% ва OS да 38,6% га пасайди. 1-асосий гурухча беморлари билан солиширганда, Кў пасайиши OD да 23,2% ва OS да 27,1% ни ташкил этди. Ушбу фарқлар статистик жиҳатдан ҳам аҳамиятли ($p<0,05$) натижаларни қайд этди.

3-асосий гурухча беморларда (38 бемор, 76 та кўз) кўрув функцияларининг энг паст кўрсаткичлар қайд этилган бўлиб, бунда кўриш ўткирлиги OD да $0,21 \pm 0,08$ ва OS да $0,18 \pm 0,05$ ни ташкил этди. Назорат гурухи билан солиширганда, OD да пасайиш 75,9% ва OS да 78,3% га тенг бўлди.

Тадқиқот давомида ўтказилган электроретинография (ЭРГ) натижалари диаграммада ифодаланган (1-расм).



1-расм. Гурухлараро электроретинограмма кўрсаткичлари

Назорат гурухидаги в-тўлқини латент вақти $33,3 \pm 2,71$ мсни ташкил этди. Касаллик босқичи ўсиши билан вақт 20-30%га ошиши кузатилди. Бу ҳолат ўз навбатида синаптик узатишнинг кучайиб бораётган бузилишини кўрсатади. Пигментли ретинитнинг дастлабки клиник белгилари босқичида в-тўлқини латент вақти ошди ва ўртacha $41,26 \pm 0,84$ мсни ташкил этди. Бу вақтнинг ошиши кўриш тизимидағи функционал ўзгаришларнинг бошланишига, нейронлар орасидаги сигнал узатиш жараёни бора-бора пасайишига ишора қиласи.

Манифестация босқичида в-тўлқини латент вақти 1,38 мартага ошди ва ўртacha $45,99 \pm 2,61$ мсни ташкил этганлиги сабабли, бу босқичда сигналларни

узатишида кечикишлар жиддий тус олиб, кўриш тизимидағи сезиларли бузилишлар билан намоён бўлди.


Кўриш тизими функцияларининг кескин пасайиши босқичида b -тўлқини латент вақти энг юқори даражага етди ва $1,46$ марта (46%) ошди. Нейронлар ўртасидаги алоқалар сусайгани сабабли импульс узатилишида сезиларли даражада узилишлар борлиги қайд этилди. b -тўлқини амплитудаси иккинчи даражали нейронлар фаолиятининг интенсивлигини кўрсатар экан, назорат гурухида у $231,98 \pm 9,98$ мкВни ташкил этилди. Соғлом ҳолатда амплитуданинг юқори бўлиши кўриш тизимидағи маълумотлар тез ва аниқ узатилаётганидан дарак беради.

Илк клиник белгилари босқичида пасайиш 30,7%ни ($160,76 \pm 9,33$ мкВ), манифестация босқичида 45%ни ($88,45 \pm 12,56$ мкВ) ташкил этган бўлса, кўриш тизими функцияларининг кескин пасайиши босқичида эса амплитуда нормага нисбатан энг паст даражага тушди ва ўртача $18,47 \pm 5,87$ мкВни ташкил этиб, пасайиш индекси 92% ни кўрсатди.

Диссертациянинг «Генетик тадқиқот натижалари» деб номланган тўртинчи бобида молекуляр - генетик тадқиқотлари натижалари ва касалликнинг тиббий-профилактикасига ёндашувлар келтирилган.

Пигментли ретинит ташхиси қўйилган, 120 нафар пробанд учун генеалогик (шажара дарахти) карта тузилиб, таҳлил этилди. Пробандлар авлодини сўраб суриштириш давомида 85% беморларимиз 4-авлодигача, 15% эса 5-авлодигача маълумотларга эга эканликлари аниқланди.

Пеннет катаги ёрдамида пигментли ретинит касаллиги аутосома-рецессив типда ирсийланиши, унинг белгиларини юзага чиқиши учун 2 та рецессив аллел генлар гомозигота (aa) кўринишида беморда мавжуд бўлишини инобатга оладиган бўлсак, генеалогик анамнез йиғиш жараённида кўпгина беморларимизнинг ота-оналари яқин қариндош эканлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. 2-асосий гурухни 12-ва 13-беморлари опа-сингилларнинг 5 та авлодга оид генеалогик харитаси.


Изоҳ: Қизил стрелка билан bemорлар кўрсатилган/ Оқ рангли тўртбурчак – соғлом эркак, оқ рангли юмалоқ – соғлом аёл, ярми қора рангли тўртбурчак – доминант аллел ген ташувчи эркак, ярми қора рангли юмалоқ - доминант аллел ген ташувчи аёл, тўлиқ қора рангли шакл – касаллик белгилари тўлиқ намоён бўлган bemор.

Сўровномада 45% беморнинг (54 нафар) ота-онаси бир-бирига холаваччалиги, 15% (18 нафари) амакиваччалиги, 30% (36 нафари) беморнинг отаси тоғасининг, 10% (12 нафар) вазиятда аммасининг қизига уйланганлиги маълум бўлди. Бу ҳолатларда уларнинг ота-оналарида мутацияга учраган генлар гетерозигота (Aa) кўринишида бўлганлиги ва уларда касаллик намоён бўлмасдан, ташувчи эканликлари маълум бўлади.

Молекуляр-генетик таҳлил натижаларига кўра, 22 нафар беморда 5 хил категориядаги жами 77 та мутация кузатилди. Шулардан 34 тасида сплайсинг, 21 та полиморфизм, 18 та делеция, 2 та синонимик, 2 та миссенс мутациялар топилди. c.1699G>A (p.V567M) ва c.4283C>T (p.T1428M) миссенс мутациялар 12-13 ва 29-экзонларда мос равишда 1 нафардан беморларда (4,55%) кузатилган бўлса, c.1929G>A (p.V643V) хамда 4203C>A (p.P1401P) синонимли мутациялар хам юқоридаги каби 4,55% ҳолатларда 13-ва 28-экзонларда қайд этилди. 12-инtronдаги 1761-55G (IVS13-55G>A) сплайсинг мутация 17 нафар беморда аниқланиб, жами беморларнинг 77,27% ни ташкил этди. Ушбу мутация кўп учровчи ва касаллик патогенези учун юқори хавф тугдирувчи ўзгаришлар қаторига мансуб.

28-инtronдаги IVS28 299C>T 77,27% (17 нафар), IVS28-del334G ва IVS28-337A>G сплайсинг мутациялар 81.82% (18 нафар) беморда кузатилди.

ABCA4 генининг мутацияланган соҳалари 3-расмда ифодаланган.




3-расм. 2-асосий гурухни 2-бемордаги ABCA4 генининг мутацияланган соҳаларининг сиквенсли хроматограммаси.

Изоҳ: Қизил стрелка нуклеотиднинг ўзгарган тикини англатиб, мутация жойлашган позицияни билдиради.

Хроматограммада кўтарилиган ҳар бир пик (чўкки) турли хил нуклеотидларни билдириб, ундаги тўрт хил ранг аденин (A), цитозин (C), гуанин (G) ва тимин (T) аминокислоталарини билдиради. Ушбу расмда ДНКдаги мутация c.1699G>A деб белгиланган бўлиб, 1699-позицияда гуанинни (G) аденинга (A) ўзгарганлигини, оқсил мисолида олиб қараладиган бўлса p.V567M оқсилининг 567 – позициясида валин (V) аминокислотасини метионин (M) алмашинувига олиб келганлигини кўришимиз мумкин.

4-расмдаги хроматограмма таҳлилига кўра, ABCA4 генидаги мутация IVS13-191T>A сифатида ифодаланиб, 13 – инtron ва 191 -инtron охиридаги жуфт асослардаги тимин (T) аденинга (A) алмашиб қолганлиги аниқланган.




4 – расм. 2-асосий гурухни 3-бемордаги *ABCA4* генининг 1761-191T (IVS13-191T) мутацияланган соҳаларининг сиквенсли хроматограммалари

Пигментли ретинитни эрта аниқлаш, мониторинг қилиш ва тиббий-профилактик ёрдам кўрсатиш бўйича башоратлаш (5-расм) ўз ичига тавсия этилган маълумотлар базаси ва генетик шажара усулини олган бўлиб, 120 та bemорларда бирламчи ташхислаш натижалари олингандан сўнг қўлланилди.

Пигментли ретинит билан касалланган bemорлардаги аниқланган белгиларни динамик кузатув олиб борилганда, сферик периметрияда меридианлар умумий қийматлар йифиндиси дастлаб 1 - асосий гуруҳда $336 \pm 31,46$ ни ташкил этган бўлса, 3- асосий гуруҳда бу кўрсаткич $90,26 \pm 21,34$ га teng бўлиб, гуруҳлар ўртасидаги фарқ 4 баробарни ташкил этди. 6 ойдан сунг ушбу ўртасидаги фарқ 2,8 мартани ташкил этди. Ушбу фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p < 0.05$) бўлиб, касалликнинг кейинги босқичларига ўтишини барқарорлашганлиги аниқланди. Тўр парда ёруғликка сезувчанлиги (Дб) 1-асосий гуруҳда $19,53 \pm 2,31$ га teng бўлган бўлса, 3 - асосий гуруҳда $7,6 \pm 3,13$ га ташкил этиб, гуруҳлар ўртасидаги фарқ 2,5 баробарга тенглиги аниқланди. Ушбу гуруҳлар ўртасидаги фарқ кўрсаткичи 6 ойлик динамикада 1,3 мартани ташкил қилди ($p < 0.05$). ЭРГ текшируvida бетта тўлқинлар амплитудаси (мкВ) 1- асосий гуруҳда $160,76 \pm 9,33$ га teng бўлиб, 3- асосий гуруҳда ушбу кўрсаткич $18,47 \pm 5,87$ ни ташкил этди. Ушбу гуруҳлар ўртасидаги фарқ кўрсаткичи 8,8 мартани ташкил этди. 6 ойлик кузатувдан сўнг бу кўрсаткич 7,6 мартани ташкил этиши, касалликни кейинги босқичларга ўтишини турғунлашганлигидан далолат беради ($p < 0.05$).

Шундай қилиб, пигментли ретинитни эрта аниқлаш, мониторинг қилиш ва тиббий-профилактик ёрдам кўрсатиш бўйича башоратлашни қўллаш, касалликнинг бир босқичдан кейинги босқичга ўтишини, ҳамда кўрув аъзоларининг функционал белгиларини ривожланиш даражасини 1,2 мартага камайишига, касаллик белгиларини барқарорлашувига ва оғир асоратлар юзага келиш хавфини камайтиришига олиб келади.

ПИГМЕНТЛИ РЕТИНИТГА ШУБХА БҮЛГАН БЕМОР



5-расм. Пигментли ретинитни башоратлаш.

ХУЛОСАЛАР

«Ирсий офтальмопатология айрим турларининг клиник-генетик хусусиятлари ва уларда тиббий-профилактик ёрдамни оптималлаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сурхондарё вилоятида ирсий офтальмопатологияли беморларда ген мутациялари қучайиши худудларда полиморфизмни кескинлиги билан ифодаланиб, энг қўпини пигментли ретинит 43,9%, Штатгардт қасаллиги 29,4%, таёқча ва колбочалар дистрофияси 19,4%, Ушер синдроми 7,3% да учраши кузатилди. Қасаллик қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг кўплиги сабаб Жаркўргон ва Музрабод туманларида юқорилиги аниқланди.

2. Пигментли ретинит қасаллиги босқичлари ривожланиб бориши билан клиник – функционал қўрсаткичларининг кескин пасайиши: кўрув майдони 81,2% га торайиши, парамакуляр фоторецепторлар қавати қалинлигини 85,13%га камайиши, скотомалар сони 2,2 баробар ортиши ва фовеолар аваскуляр зонасининг майдони нормага нисбатан 24,1%га кенгайиши, ганглионар нерв толалар қаватининг атрофияси сабабли нейроретинал белбоғ хажмининг ўртача $0,20 \text{ mm}^3$ га камайганлиги аниқланди ($P<0.05$).

3. Тадқиқот натижасида пигментли ретинит билан қасалланган беморларда ABCA4 генининг 12 ва 28-инtronларида аниқланган мутациялар юқори частотада кузатилган. Жумладан, IVS13-55G>A ва IVS28 299C>T мутациялари беморларнинг 77,27% (17 нафар) да аниқланган булса, 28-инtronда IVS28-del334G ва IVS28-337A>G сплайсинг мутациялари 81,82% (18 нафар) беморларда аниқланган. Ушбу мутациялар оқсил синтези жараёнини бузиб, тўр парданинг дегенерациясига олиб келиши исботланди ($P<0.05$).

4. Пигментли ретинит қасаллигига прогрессив кўришнинг пасайишини инобатга олиб, яратилган электрон маълумотлар базаси ва ишлаб чиқилган башоратлашни қўллаш орқали б ойлик кузатув натижасида кўрув аъзолари функционал қўрсаткичларининг пасайиши барқарорлашганлиги аниқланди: статик периметрия қўрсаткичлари ўртача 4 мартадан 2,8 мартагача, тўр парда ёруғликка сезувчанлиги ўртача 2,5 дан 1,3 гача, бетта тўлқинлар амплитудаси ўртача 8,8 дан 7,6 гача камайиши аниқланди ($p<0.05$).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

ОЧИЛДИЕВ МУХИДДИН БАХОДИР УГЛИ

**КЛИНИКО – ГЕНЕТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И ОПТИМИЗАЦИЯ
МЕДИКО-ПРОФИЛАКТИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ ПРИ НЕКОТОРЫХ
ВИДАХ НАСЛЕДСТВЕННОЙ ОФТАЛЬМОПАТОЛОГИИ**

14.00.08 – Офтальмология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистан под №B2022.2.PhD/Tib2720

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на сайте Ученого совета (www.eyecenter.uz), на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz) и на веб-страницах Национального информационного агентства Узбекистана (www.uza.uz) ставится.

Научный руководитель:

Нарзикулова Кумри Исламовна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Туйчибаева Дилобар Мираталиевна
доктор медицинских наук, доцент

Малышев Алексей Владиславович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Таджикский государственный медицинский
университет имени Абуали ибни Сина
(Таджикистанская Республика)**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета за номером DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 при Самаркандском государственном медицинском университете «_____» _____ в _____. Адрес: 140100, Республика Узбекистан, город Самарканд, улица Амира Темура, 18. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; электронная почта: Sammu@sammu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Центре информационных ресурсов Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрирован под номером _____. Адрес: 140100, Республика Узбекистан, город Самарканд, улица Амира Темура, 18. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Автореферат диссертации распространен «_____» 2025 года.

(Регистрационный акт №_____ от «_____» 2025 г.)

Ж.А. Ризаев

Заместитель председателя научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Г.У. Самиева

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

М.Т. Насретдинова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), несмотря на снижение числа слепых и слабовидящих людей в мире, 30% всех офтальмологических заболеваний составляют наследственные патологии. На основе результатов ряда исследований отмечается, что «... в большинстве случаев слепота и слабовидение являются следствием врожденных и наследственных патологий, при этом у 55% пациентов в возрасте от 19 до 50 лет заболевание выявляется в детском возрасте...»¹. Своевременное выявление таких наследственных заболеваний и планирование адекватных мер лечения являются актуальной задачей офтальмологии.

В мировом масштабе несмотря на то, что существует множество наследственных заболеваний, снижение функции зрения у пациентов с наследственной офтальмопатологией оказывает серьезное влияние на их образ жизни, качество жизни и такие важные жизненные факторы, как поиск социального места. В экономически развитых странах, благодаря снижению числа тяжелых инфекционных и других экзогенных офтальмологических заболеваний, а также стремительному развитию молекулярной генетики, увеличивается доля наследственных патологий. Это связано с открытием новых генов, ответственных за развитие ранее известных наследственных и ненаследственных патологий. В данном контексте профилактика и медико-генетическое консультирование занимают особое место как методы, направленные на предотвращение рождения больных детей.

В нашей стране на сегодняшний день несмотря на достижения в клиническом и молекулярно-генетическом изучении наследственных офтальмопатологий, остается сложным сделать однозначные выводы о причинах перехода начальных легких форм некоторых наследственных заболеваний глаз в более тяжелые. Вместе с тем, выполнение ряда профилактических мероприятий, полностью соответствующих международным стандартам, определяет такие задачи, как «...разработка национальных клинических стандартов, основанных на доказательной медицине и гармонизированных с международными стандартами, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения для повышения качества, эффективности и доступности медицинской помощи, поддержка здорового образа жизни, профилактика заболеваний, разработка и внедрение оптимальной последовательности и непрерывности этапов оказания медицинской помощи...»².

¹ Liu W, Liu S, Li P, Yao K. Retinitis Pigmentosa: Progress in Molecular Pathology and Biotherapeutic Strategies. Int J Mol Sci. 2022 Apr 28;23(9):4883. doi: 10.3390/ijms23094883. PMID: 35563274; PMCID: PMC9101511.

² Указ Президента Республики Узбекистан №ПФ-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует решению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы»; от 7 декабря 2018 года № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан»; от 20 июня 2017 года № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы»; от 25 апреля 2022 года № ПП-216 «О мерах по усилению защиты материнства и детства в 2022–2026 годах». Кроме того, исследование в рамках данной диссертации вносит определенный вклад в реализацию задач, предусмотренных данными и другими нормативно-правовыми актами, регулирующими деятельность в данной области.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с VI приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан — «Медицина и фармакология».

